O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

БУГУНГИ СОНДА:

### ЗАМОНАВИЙ, КЎРКАМ УЙ-ЖОЙЛАР



Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида ҳам аҳолининг асосий қисми қишлоқ жойларда умргузаронлик қилаётганлиги туфайли қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, замонавий ва кўркам уй-жойлар бунёд этишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, янги 2010 йилнинг бошиданоқ туманнинг Оқгузар қишлоғида ҳамма қулайликларга эга 4 хонали 20 та уй-жой аҳолига топширилди.

2

### МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ИНТЕРНЕТДА



Хитой марказий телевидениеси (CCTV) миллий интернет телеканал — CNTV.спни очиш арафасида турибди.

3

### «БОЙСУН»НИ ЮНЕСКОГА ТАНИТГАН МАКТАБ



Мустақиллик шарофати ила ўзбек санъати дунёга довруқ таратмоқда. «Бойсун» фольклор этнографик халқ ансамбли репуртуаридан ўрин олган миллий куй-қўшиқларни нафақат ўз элимиз, балки хорижликлар ҳам севиб тинглашади. Жамоани халқаро ЮНЕСКО ташкилотигга аъзо қилиб олингани ҳам бежиз эмас.

4

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «ADOLAT» SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 3 (760)
2010 йил, 22 январь, жума

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

## ЎЗБЕКИСТОНДА ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ: ҲИНДИСТОНДАН НАЗАР

**Ҳиндистонда нашр этиладиган оммавий ахборот-таҳлилий журналлардан бири «Political Events» саҳифаларида Ўзбекистонда 2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтган парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган таниқли журналист ва сиёсий шарҳловчи М.К.Дхарнинг мақоласи эълон қилинди.**

Ҳиндистонлик эксперт таъкидлайдики, "Ўзбекистонда демократия тобора ривожланмоқда ва ҳар бир сайлов мамлакатнинг бу йўлда эришган улкан ютуқларини намоён этмоқда". Муаллиф, шунингдек, Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб фуқаролар сиёсий ҳуқуқларининг кафолатланиши тўғрисида қонун қабул қилганлигига эътибор қаратади.

"Тарих нуқтаи назаридан қараганда жуда қисқа бўлган мустақиллик йилларида мамлакат умум қабул қилинган халқаро андозаларга мос келадиган сайлов тизимини ярата олди. Ўтказилган сайловлар Ўзбекистоннинг сиёсий партиялар ижтимоий ва сиёсий фаолияти, ташаббускорлиги ва жавобгарлигини янада оширишнинг мустаҳкам асосини яратганини кўрсатди. Ўзбекистон демократлаштириш, фуқаролик жамиятини такомиллаштириш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда етакчи эканини яна бир бор намойиш этди", дейилади мақолада.

Ўзбекистонда 2009 йилда бўлиб ўтган парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган Ҳиндистон ҳунармандлари маркази раҳбари Камол Кумар Гуптининг фикрига кўра, сайловлар, ҳар бир номзодга сайловолди кампаниясида оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилиш, сайловчилар билан учрашувлар ташкил этишда тенг ҳуқуқ берилгани ҳолда, энг юксак демократия андозаларига риоя этилиб ўтказилди.

"Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида у хусусан шундай деди:

— Сайловларда иштирок этиш даврида мен бир неча сайлов участкаларига бордим ва сайловчилар билан суҳбатлашиш имкониятига эга бўлдим. Уларнинг барчаси овоз бериш жараёнининг ўтишидан мамнун эдилар ва ўз танловларининг тўғрилигига ишонишарди. Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайловлар мамлакат сайловдек муҳим демократик жараённи муваффақиятли ўтказиш борасида жуда катта тажриба тўплаганини кўрсатди.

У, шунингдек, Ўзбекистонда амал қилаётган парламент депутатлигига номзодларнинг сайловолди кампаниялари давлат томонидан молиялаштирилиши механизмининг тўғрилиги ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирди. Унинг сўзларига кўра, "барча учун тенгликнинг таъминланиши сайловчилар учун ҳам энг муносиб номзодни танлаб олишларига имконият яратади".

**«Жаҳон» АА,**
*Деҳли.*

## БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ ОЧИЛАДИ



## «LG ELECTRONICS» САМАРҚАНДДА









**Самарқанд шаҳридаги «Sino» очиқ акциядорлик жамиятида Жанубий Кореянинг «LG Electronics» компанияси билан ҳамкорликда совутгичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибига кирувчи «Sino» ОАЖда электрон ҳамда мураккаб маиший техника ишлаб чиқариш бўйича дунёнинг етакчи компанияларидан ҳисобланган «LG Electronics» билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ушбу лойиҳа бунинг далилидир.

Мазкур лойиҳа икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич — 2010 йилнинг охирига қадар "Sino" ОАЖ негизида йилига 50 минг дона "LG" русумли совутгич ишлаб чиқарилади. Иккинчи босқич — 2011 йилдан "Sino" ОАЖда асосий ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва қайта жиҳозлаш орқали кенг қамровли саноат усулида замонавий, янги турдаги совутгич ва музлатгичлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Бунда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 100 минг донага етказилади.

***Суратларда:*** назоратчи Акобир Саидов; тайёр маҳсулотлар.

**Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

**БУХОРО.** Жаҳон андозалари даражасида реконструкция қилинаётган «Самарқанд-Ашхобод» йўналишидаги халқаро автомобиль йўлининг Қоракўл ва Олот туманларидан ўтадиган қисмида шу кунларда иш ҳар қачонгидан қизғин.

Дастлабки 5 километрлик масофа реконструкциясини «Бухоро-Навоий» халқаро давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси жамоаси вақтида сифатли уддалади. Йил давомида 26,4 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишларини амалга ошириб, магистралнинг ўн километрлик узунликдаги қисмини таъмирлашга бел боғлаган йўлсозлар ҳозиргача 6,7 миллиард сўмлик иш бажариб қўйдилар.

**«МАҲАЛЛА»** Жамғармаси республика бошқарувининг 2009 йил якунлари ва жорий йилда амалга ошириладиган ишларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ўн мингдан ортиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритмоқда. Ана шу тузилмалар маҳаллаларда — аҳоли ўртасида жуда катта кўламда маданий-маърифий ишлар олиб бормоқда. Давлатимизнинг тегишли идоралари, муассасалари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Тадбирда Жамғарма республика бошқаруви фаолиятининг бу борадаги ўтган йилги ишлари сарҳисоб қилиниб, "Баркамол авлод йили" режалари белгилаб олинди.

**«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»** очиқ акциядорлик жамиятида амалдаги анъанавий ва электрон пул ўтказмалари хизматида яна бир янги хизмат пайдо бўлди.

Бу хизмат — гибрид пул ўтказмаси хизмати деб номланиб, унинг хизмат кўрсатиш вақтинчалик тартиби тасдиқдан ўтди. Шу йилнинг 1 январидан амалиётга кирган мазкур тартибга кўра, компьютерлаштирилган почта алоқаси бўлимларида жўнатиш учун қабул қилинган пул ўтказмаси жойлардаги алоқа тармоқларида электрон тизимга ўтказилади. Натижада уларни манзилларига етказиш ва тўлаш жараёни тезлашади.

**СИРДАРЁ.** Бугунги кунда вилоятда инвестиция муҳити билан бунёд топган 38 та қўшма корхона самарали фаолият кўрсатмоқда. Биргина 2009 йилда бу ерда салкам 17 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя ўзлаштирилди.

Бунинг 11 миллион АҚШ долларидан зиёдроғи тўғридан-тўғри киритилган инвестиция маблағларидир. Муҳими, ана шу саъй-ҳаракатлар замирида вилоятда 800 дан кўпроқ янги иш ўринлари яратилди. Қўшма корхоналардаги янги қувватлар ишга тушиши билан улар сони 2-2,5 баробар кўпайиши кутилмоқда.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН.** «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг минтақавий филиали томонидан ажратилган 30 миллион сўмлик кредит асосида Нукусда деворбоп қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонаси фаолият бошлади.

Ихтисослашган «Фонтан франк» деб номланган мазкур масъулияти чекланган жамиятда қисқа муддат ичида истеъмолчиларга 25 тоннадан зиёдроқ шпатлёвка ва кафель елими сингари маҳсулотлар етказиб берилди. Март ойидан бошлаб корхонада ишлаб чиқариш ҳажми янада ошади.

24 январь – Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият маркази ташкил топган кун

## ЎЗАРО ҲАМЖИҲАТ, АҲИЛ ВА ИНОҚ

Ўзбекистон — бир юз ўттиздан зиёд миллат ва элат вакиллари тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳамжиҳатлик шароитида аҳил-иноқ яшаб, меҳнат қилаётган кўп миллатли мамлакат.



Кўҳна диёримизда неча-неча асрлар турли маданият ва цивилизация ёнма-ён яшаб келган. Бағрикенглик, меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат халқимизнинг ўзига хос менталитети сифатида шаклланган. Айни шу муҳитда кимки, ўлкамизда қайси тилда гапириб, қайси миллатга дахлдор ёки қайси динга эътиқод қўйганлигидан қатъи назар, одамлар Ўзбекистон деб аталган умумуйимиздаги тинчлик, барқарорлик ва осойишталик қадрини улуғлаб келади. Бундай ҳамжиҳатлик узоқ йиллар ва асрлар давомида таркиб топган миллий анъана ҳамда урф-одатларимизнинг ўзаро яқинлашувини таъминлабгина қолмай, бир-бирини тобора бойитиб бормоқда. Мамлакатда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, иззат, ҳурмат муҳитини қарор топтирмоқда.

Бундай муҳит кўламининг янада кенгайиши ва янги-янги уфқлар, янги-янги имкониятлар очилишида муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1992 йилда ташкил этилган Республика Байналмилал маданият марказининг ўрни катта, албатта. Бугунги кунда марказ Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган 150 дан зиёд миллий маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб бораяпти. Улар теграсига жипслашган барча миллат вакиллари республикамиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этишлари учун тенглик асосида етарлича шарт-шароитлар яратилган.

Миллий маданият марказлари фаоллари халқимиз фаровонлиги, осмонимиз мусаффолиги, фарзандларимиз ва набираларимиз келажаги йўлида астойдил эзгу саъй-ҳаракатлар олиб боришмоқда. Миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари билан ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга, миллий маданиятлар, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хослигини сақлашга, ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

24 январь куни — мустақил Ватанимизда Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганлигининг 18 йиллиги нишонланади. Турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлаш йўлидаги самарали хизматлари ҳамда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироклари билан ибрат бўлаётган барча миллий маданий марказлар жамоаларини, фаолларини қутлуғ байрамлари билан қизғин қутлаб қоламиз.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ.**

Ўз-ўзини танқид

# СИНОВДАН КЕЙИНГИ САЛМОҚ ВА САБОҚ

**Ниҳоят ғалвир сувдан кўтарилди: кутилган муҳим сана — 2009 йилнинг 27 декабри ортда қолди. Шу куни барча сиёсий партиялар қатори Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Наманган вилояти Кенгаши ҳам жиддий имтиҳондан ўтди. Қўлга киритилган натижалар, бой берилган имкониятлар эса сабоқ чиқаришга ундайди.**

Қувонарлиси, партиянинг мазкур вилоят Кенгаши томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига кўрсатилган 11 нафар номзоддан 3 нафари депутат этиб сайланди. Ваҳоланки, парламент қуйи палатаси ташкил этилгунга қадар ҳам депутатлар сони ҳатто 1 нафардан ошмаган эди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашига кўрсатилган 60 нафар номзоддан 3 нафари сайланиб, депутатлик гуруҳини шакллантиришга муваффақ бўлинди. Бироқ, минг таассуфки, Халқ депутатлари туманлар Кенгашларига депутатликка «Адолат» СДПдан кўрсатилган 356 нафар номзоддан атиги 4 нафари депутатлик ваколатини қўлга киритди, холос. Оқибат-натижада вилоятнинг ҳеч бир туманида депутатлик гуруҳлари шаклланмай қолди. Энг аянчлиси, вилоят бўйича мавжуд 426 имкониятнинг 416 таси бой берилди. Хўш, нега?

Таъкидлаш жоизки, вилоятнинг қайси ҳудудида партия фаолияти намунали йўлга қўйилган бўлса, ўша ҳудудда сайловда кутилган натижаларга эришилди. Хусусан, партия электорати ва тарафдорлари кўпчиликни ташкил этган Наманган шаҳри ҳамда Чуст, Чортоқ, Поп, Уйчи ва Тўрақўрғон туманларида сайлов кампанияси даврида «Адолат» СДПнинг ўрни, фаоллиги яққол кўзга ташланиб турди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига муносиб номзодлар кўрсатиш, шунингдек, рўйхатга олинган номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этиш, сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш масалалари ана шу туман ва шаҳарларда рисоладагидек амалга оширилди. Масалан, «Адолат» СДП Поп тумани Кенгаши фаолиятини қисқа таҳлилдан ўтказиб кўрайлик. Лўнда қилиб айтганда, Кенгаш фаолияти ўтган йилнинг иккинчи чораги якунига қадар жуда «сокин» эди. Бу ерда на бир партия аъзосининг ва на бирор бир бошланғич ташкилотнинг ўрни билинарди. Ниҳоят, туманда «Адолат» СДП вилоят Кенгаши кўриб чиққан ташкилий масаладан сўнг тажрибали, сиёсий фаол кадр — Музофат Аҳмедова Кенгаш раислигига сайлангач, аҳвол тубдан ўзгарди. Вилоят ва туман партия Кенгашлари ўртасидаги узилиб қолган алоқалар қайта тикланди. Партия аъзолари сафи кенгайди. Бошланғич партия ташкилотлари сони ортди. Энг муҳими, янги тузилган бошланғич ташкилотлар аввалгилари каби хўжакўрсинга эмас, аксинча росмана иш юрита бошлади. Айниқса, улар сайлов жараёнларида ҳар қачонгидан кўра самарали ишлади. Натижада тумандан кўрсатилган «Адолат» СДПнинг бир нафар номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ва яна бири Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг депутатлик ваколатини қўлга киритди.

Худди шундай ҳолни Чортоқ тумани партия Кенгаши фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.

— Аввалги сайловларда туманимизда «Адолат» СДПнинг ўрни билинмасди. Рости, шу пайтга қадар партия ташаббуси билан бирор бир тадбир ўтказилганини ҳам эслолмайман. Бироқ ўтган йилнинг иккинчи чораги якунида Ҳабиба Мирабдуллаева туман Кенгашига раис этиб сайланди-ю, ижобий ўзгаришлар кўзга ташлана борди. Унинг саъй-ҳаракати билан маҳаллаларда, шунингдек, турли ташкилотлар қошида партиянинг 11 та бошланғич ташкилоти тузилди. Мазкур бошланғич ташкилотларга фидойи ва ташаббускор, эл кори учун камарбаста бўлиш истагидаги кишилар раҳбар этиб сайланди. Улар кўмагида чегара ҳудудларида, маҳаллаларда ва бир қатор таълим муассасаларида жуда кўплаб тадбирлар ўтказилди. Партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари кенг омма орасида самарали тарғиб этилди. Ногиронлар, кам таъминланган оилалар «Адолат» СДП номидан йўқланди, — дейди Чортоқ тумани Ногиронлар жамияти раиси ва шу жамият қошида тузилган БПТ саркотиби Зебо Хўжаева.

Дарҳақиқат, табиатан жонкуяр, тиниб-тинчимас Ҳабиба Мирабдуллаеванинг саъй-ҳаракатлари, интилишлари туфайли туманда партиявий-ташкилий ишлар сифати яхшиланиб, кўлами кенгайди. Ҳатто у ўз атрофига тумандаги энг фаол аёлларни жипслаштира олди. Натижада «Адолат» СДП туман Кенгаши қошида Хотин-қизлар кенгаши фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозир мазкур кенгашга 60 нафар фаол аёллар жипслашган. Уларга Республика Саломатлик марказининг туман филиали бош шифокори Мавлуда Аҳмадалиева етакчилик қилмоқда.

— Ўтган сайловда Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашларининг ҳар бирида биттадан депутатлик ўрнини қўлга киритган бўлсак-да, сайлов жараёнларида бошқа партияларга нисбатан кучсиз эмаслигимизни, аксинча ҳадиксирашларига асос бўладиган муносиб рақиб эканлигимизни намойиш эта олдик. Гап шундаки, деярли барча номзодларимиз жиддий курашишди, юқори овозлар олишди. Фақатгина янги сафлардан таркиб топган сафдошларимизнинг бироз тажрибасизлиги рақибларимизга қўл келди, — дейди туман Кенгаши қошидаги Хотин-қизлар кенгаши раиси Мавлуда Аҳмадалиева.

Тўғри, партиядошимизнинг сўзларида жон бордир, аммо аччиқ ҳақиқат шуки, барча даражадаги ҳокимият вакиллик органларида кўп ўринга эга бўлиш учун биргина муносиб рақибликнинг ўзи кифоя қилмайди. Бошқача айтганда, ютиб чиқилмаган юқори овознинг ўзи партия, унинг номзодларига ҳеч нарса бермайди. Бизнингча, чортоқлик «Адолат»чилар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларида қатор камчиликларга йўл қўйишди. Агар улар ўз электорати ва тарафдорларининг манфаати ҳамда эҳтиёжларини эътибордан четда қолдирмаганларида эди, наинки Чортоқда, балки сайлов курашлари қизғин ва муросасиз кечган Наманган шаҳри, Чуст, Поп ва Уйчи туманларидаги манзара ҳам бугун бошқача қиёфа касб этган бўларди.

— Тан олиб айтишимиз кераккки, биз партиямиз раҳбариятининг БПТлар фаолиятини яхшилаш ҳақидаги таклиф ва тавсияларига жуда кеч эътибор қаратдик. Қолаверса, партиянинг Фаолият дастурида таъкидланган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳаларга оид бугуннинг энг долзарб масалаларини ҳал этишда ҳам анчагина сусткашликка йўл қўйдик, — дейди туман Кенгаши раиси Ҳабиба Мирабдуллаева. — Бундан буён фаолиятимизни аниқ режа асосида қатъий ва изчил амалга оширамиз. Энг аввало, ҳудуддаги айрим муаммоларни ҳал этиш масаласини кўтариб чиқишни мақсад қилганмиз. Масалан, ногиронларга улар учун мос иш ўринлари яратиш устида иш олиб бормоқчимиз. Бунинг учун айни пайтда зарур ҳомийлик маблағлари топиш, имтиёзли кредит ёки грант маблағларини қўлга киритиш механизмларини ишлаб чиқмоқдамиз. Шундай тўхтамга келдикки, эҳтиёжмандга ҳар куни балиқ бергандан кўра, бир марта қармоқ берган афзалки, у эҳтиёжи учун зарур бўлган балиқни ўзи тутиб олсин...

Кўриниб турибдики, «Адолат» СДП Чортоқ туман Кенгашидаги ишлар анчайин ўнгланиш палласига кирган. Бироқ, сайловлар баҳонасида қайта жонланган фаолият, жунбушга келган ҳис-туйғулар, пировардида, туғилган мақсад ва орзулар ёлқини келгуси сайловларга қадар яна сокинлашиб қолмаслиги зарур. Ўз навбатида, партиянинг ҳали ҳам сусткашлик ботқоғидан қутула олмаётган Мингбулоқ, Янгиқўрғон, Учқўрғон, Норин ва Наманган туман Кенгашлари фаолиятини зудлик билан қайта кўриб чиқиш лозимга ўхшайди. Зеро, оқишдан тўхтаб қолган тип-тиниқ кўлмакдан кўра, табиатга ҳаёт бағишлаб оқиб турган оқин сув яхши. Шундай эмасми?

**Саййид ОЛИМ,**
**«Adolat» мухбири.**

# МУСТАҚИЛ ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИ

**Португалиянинг рус тилида чоп этиладиган «Слово» газетасида Алексей Дьячковнинг «Ўзбекистон ўз энергетика тизимини яратади» сарлавҳали мақоласи элон қилинди.**

Унда Марказий Осиё ягона энергетика тизимининг ишлаши билан боғлиқ муаммолар, "Нурек" ГЭСида ўтган йилнинг ноябрь ойида технологик режимнинг қўпол равишда бузилиши оқибатида юзага келган навбатдаги ҳалокат ва унинг Ўзбекистон энергия тизимига таъсири, шунингдек, Ўзбекистонда ўз ишончли энергетика тизимини яратиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўз юритилади.

Мақолада Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ягона энергетика тизимидан чиқиши ҳақидаги қарори кейинги пайтларда турли хорижий оммавий ахборот воситалари диққат марказида экани айтилади. Амалдаги ягона энергетика тизими собиқ иттифоқнинг ривожланишига мос ҳолда ташкил этилган бўлиб, унда собиқ иттифоқдош республикалар ҳеч қандай мустақилликка эга бўлмаган ва уларга умумий ҳудуднинг бир қисми сифатида қаралган.

Собиқ иттифоқ даврида Марказий Осиёнинг ягона энергетика тизимининг фаолият юритиши гўёки таъминланди, амалда эса ҳеч қандай ваколат ва ҳуқуқ қолмади, оқибатда тизим шу қадар заифлашдики, унга аъзо бўлган ҳар қандай давлат назоратсиз ва қонунсиз равишда ўз манфаатлари йўлида электр энергиясини танлаб олишлари мумкин бўлиб қолди. Шу билан бирга, ушбу ҳаракатларнинг бошқа давлатларга салбий таъсири ҳисобга олинмади.

Ушбу шароитда Марказий Осиё ягона энергетик тизими узилишлар юзага келиб, минтақадаги давлатларга жиддий салбий таъсир кўрсата бошлади ва энергетика тизимида жиддий зиддиятли вазият юзага келди. 2009 йил январдан март ойигача Қозоғистоннинг Марказий Осиё ягона энергетика тизимидаги ўз фаолиятини тўхтатиши, Туркманистоннинг эса 2003 йилда ушбу тизимдан чиқиши бунга мисолдир.

Мақола муаллифи ҳаракатларга рози бўлмайдиган туганмас далиллар ва Мувофиқлаштирувчи диспетчерлик марказининг буйруғига кўра, баъзида ҳатто ҳамоҳанг тарзда ишлаётган Марказий Осиёнинг ягона энергетика тизимига аъзо бўлган давлатларнинг энергетика тизими режимини қўпол равишда бузилиши оқибатида мунтазам равишда ҳалокатлар ва диспетчерлик режимларнинг бузилиши юзага келмоқда.

Ўтган йилнинг 9 ноябрь куни Тожикистондаги "Нурек" ГЭСида агрегатларнинг ғайриихтиёрий тарзда тўхтаб қолиши оқибатида юзага келган тизимли ҳалокат туфайли Тожикистон энергетика тизимининг Вахш дарёсидаги барча ГЭСлар, ҳатто яқинда барпо этилган "Сангтудин" ГЭСи фаолиятининг тўхтаб қолгани учун Тожикистон энергетика тизимининг жанубий қисми бутунлай ўчди.

Экспертларнинг баҳосига кўра, ҳалокат технологик режимларнинг қўпол равишда бузилиши натижасида, яъни эрта тонгда электр энергияси истеъмоли ҳажмининг ниҳоятда ортиши, захира қувватларининг мавжудлиги инобатга олиниб, энергия ишлаб чиқариш ҳажми энергетика тизими имкониятларидан анча паст бўлгани оқибатида содир бўлган. Бундай вазиятда истеъмолнинг меъёридан ортиқ қисмини автомат тарзда ўчириб қўйиш механизми ва мазкур жараёнларни тезкорлик билан бошқарилишини назорат қилувчи диспетчерлик хизматларининг ҳеч бири ишламаган.

Ҳалокат Ўзбекистоннинг энергия тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бунинг оқибатида Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятидаги энергия тизимининг магистрал электр узатиш тармоғи вақтинчалик ўчириб қўйилди ва шу боис қўшни Афғонистонга электр энергияси етказиб бериш ҳам тўхтатилган эди.

Мазкур вазиятда воқеаларнинг бундай тус олишига Тожикистоннинг ўзи сабабчидир. У Марказий Осиё ягона энергетика тизими ва «Энергия» консультатив-диагностика маркази фаолиятига оид шартномалар ва белгиланган қоидаларни мунтазам равишда бузиб келди, шунингдек, электр энергиясини ноқонуний танлаб олиш натижасида қўшни мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистоннинг энергия тизими учун жиддий муаммоларни юзага келтиришни давом эттирди.

"Юзага келган бундай шароитда Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ягона энергетика тизимида келгусида иштирок этишининг имкониятини кўрмаяпти ва ҳеч ким Ўзбекистоннинг ўз мустақил, мустаҳкам энергетика тизимини яратиш ҳуқуқини инкор эта олмайди", дейилади мақолада.

**«Жаҳон» АА,**
*Лиссабон.*

## ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

**Мамлакатимизнинг сиёсий партиялар фаолиятига оид қонунчилигига мувофиқ, жойларда Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига Ўзбекистон "Адолат" СДПдан сайланган янги таркибдаги депутатлик гуруҳлари тузилиб, иш бошлади.**

Партиядан Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига 11 нафар номзод депутат этиб сайланди. Янги таркибдаги депутатлик гуруҳининг илк йиғилишини Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси И.Саифназаров олиб борди. Йиғилишда депутатлик гуруҳининг раҳбари этиб Тошкент кимё технологиялари институти ректори, шаҳар Кенгаши депутати Садриддин Туробжонов сайланди.

Тадбирда сўнгги беш йил ичида депутатлик гуруҳи томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, қўлга киритилган ютуқлар, шунингдек йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида атрофлича сўз борди.

— Ҳамонки сайловчилар биз учун овоз беришган экан, уларнинг ишончини оқлаш лозим, — деди депутатлик гуруҳи раҳбари Садриддин Туробжонов. — Сайловолди учрашувларида аниқланганидек, аксарият туманларда фуқароларни асосан ичимлик суви таъминотидаги узилишлар, канализация тизимининг нобоплиги, кўчаларни асфальтлашдаги оқсоқликлар сингари маиший муаммолар қийнаб келмоқда. Бу каби муаммоли масалаларни ҳал этишда биз, депутатлардан фидойилик, ташаббускорлик ва ҳамжиҳатлик талаб этилади.

Шундан сўнг йиғилиш иштирокчилари кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Саодат СОДИҚОВА.**

Тиббиёт

# САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Юртимизда инсон саломатлигини ҳимоялашга азал-азалдан алоҳида эътибор қаратилган. Бунга бутунжаҳон тиббиёти асосчиси деган юксак номга эга бўлган Ибн Сино каби аждодимиз ҳаёти ва фаолияти ҳам мисол бўла олади. Бугунги кунда улуғ ҳаким яшаб ўтган Бухорода унинг издошлари эл дардига малҳам бўлишда ибратли ишларни амалга ошираяпти.

Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат қилаётганларнинг аксарияти ҳам Бухоро Давлат тиббиёт институтини туғаллаган. Улар орасида «Адолат» СДПнинг кўплаб фаолларини учратиш мумкин.



— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги, «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларига асосан қишлоқ врачлик пунктлари моддий негизини яхшилаш, тиббий хизмат сифатини ошириш, саломатлик кўрсаткичларини юксалтириш, беморларга кўрсатилаётган даволаш ва ташҳислаш кўламини кенгайтириш борасида самарали ишларни олиб боряпмиз, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Илҳом Нарзиев. — Ўтган йили «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ ҳудудимиздаги барча тиббий муассасалар фаолияти янада ривожлантирилиб, замонавий андозалар даражасига келтирилди.

— Ромитон туманида 28 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатаётир. Уларнинг 11 таси янги лойиҳа асосида қурилиб, тиббий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош врачи Баҳрулло Нарзиев. — Яқинда «Саломатлик» жамғармаси томонидан 25 миллион сўмлик қаттиқ жиҳозлар ва 6 миллион сўмлик физиотерапея аппаратлари олинди. «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича ҚВПлар замон талабларига жавоб берадиган ҳолга келтирилди. Бу эса аҳолига сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатиш, уларнинг саломатликларини тиклаш ишларида муҳим омил бўлмоқда. Бирламчи бўғин тиббиёт муассасаларига 113 миллион сўмлик тиббий жиҳозлар, жумладан, КГ ва «Соннер», УЗИ, РО-6 ва бошқа аппаратлар, қуритиш шкафи, центрафуга, микроскоп, музлаткич, дистиллятор сингари кўплаб тиббий жиҳозлар келтирилди.

Тумандаги Тарнаут қишлоқ врачлик пункти ҳудудида 3015 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бу ҚВП вилоятдаги энг намунали тиббиёт муассасаларидан бири ҳисобланади. Қишлоқ врачлик пункти 1 сменада 75 нафар беморга хизмат кўрсатишга мўлжалланган замонавий бинода жойлашган. Иситиш, иссиқ-совуқ сув тизимлари мунтазам ишлаб турибди. Дилбар Мирзаева ва Зайнаб Аҳмедова каби малакали врачлар хизматидан баҳраманд аҳоли бағоят миннатдор. Эътиборли томони шундаки, бундай ҚВПлар амбулатория шароитида беморларни тўлиқ ташҳислаш ва даволаш учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган ва тиббий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган.

ҚВПларда ташкил қилинган кундузги шифохона, уй шифохонаси, лобаратория, физиотерапия хизматларидан ҳам аҳоли мамнун. Дори-дармонлар билан таъминлаш самарасини ошириш мақсадида дорихона ва фитобарлар ишлаб турибди.

Тиббий ходимларнинг изланишлари ўз самарасини бераётир. Саломатлик ва тиббий маданиятни ошириш, туғиш ёшидаги аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва соғломлаштириш контрацепция воситаларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари яхшиланди. Қариялар, ногиронлар, яккаёлғизларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида ходимларнинг уйма-уй юриши ва патронаж хизмати ташкил қилинган. Ҳудуддаги эпидимиологик барқарорликни таъминлашда ҳам ҚВП ходимлари бор куч ва билимларини аямай хизмат қилмоқдалар.

— Туманимизда марказий касалхона, поликлиника, стоматология поликлиникаси, саломатлик маркази ва 30 та ҚВП фаолият кўрсатаётир, — дейди Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси ташкилий услубий бўлим мудири Музроб Қурбонов. — Барча тиббий муассасалар таъмирланиб, ходимлар малакасини ошириш бўйича кенг қамровли методик ўқувлар, чора-тадбирлар амалга оширилди. Мавжуд ҚВПларнинг 15 таси жорий ва капитал таъмирланди. Ширин, Харгўш, Бузундавон, Работоҳун, Р.Хусенов, Қатағон қишлоқларидаги врачлик пунктлари бугунги кунда шаҳардаги тиббий муассасалардан қолишмайди. Шунингдек, эл саломатлиги йўлида фидокорона хизмат қилаётганларнинг яшаш шароитлари ҳам ўрганилиб, уларга амалий ёрдам берилмоқда. Бугун қишлоқда яшаб меҳнат қилаётган тиббиёт ходими нафақат даволовчи, балки соғлом турмуш тарзи, атроф-муҳитни, зарурий табиий ресурсларни ҳимоя қилиш бўйича аҳолига ўрнак бўлмоқда.

Вилоят тиббий муассасаларида оқ либосли саломатлик посбонлари томонидан амалга оширилаётган хайрли саъй-ҳаракатларни кўплаб санаш мумкин. Энг муҳими, соғлом инсон жамиятга ҳам, юрт келажаги учун ҳам улкан наф келтиради. Ўз касбига содоқат билан хизмат қилаётган шифокорлар бундан беҳад фахрланишади.

**Бахтиёр ТЕМУР,**
**«Адолат» мухбири.**

Ислоҳот ва самара

# ЗАМОНАВИЙ, КЎРКАМ УЙ-ЖОЙЛАР

## қишлоқлар ободлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминламоқда



**Мамлакатимизда ўтган 2009 йилда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга ошириш учун 2 триллион 600 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бу эса юртимизнинг янада обод бўлиб, унинг қиёфаси бутунлай ўзгаришига муносиб ҳисса қўшди.**

Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида ҳам аҳолининг асосий қисми қишлоқ жойларда умргузаронлик қилаётганлиги туфайли қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, замонавий ва кўркам уй-жойлар бунёд этишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, янги 2010 йилнинг бошиданоқ туманнинг Оқгузар қишлоғида ҳамма қулайликларга эга 4 хонали 20 та уй-жой аҳолига топширилди.

Мазкур турар жой бинолари ўзидаги иссиқ ва совуқ сув, канализация тармоқлари, газ, электр энергияси етказиб берилиши, йўлакчалар ва унинг атрофидаги кишининг баҳри дилини очадиган мевали ва манзарали дарахтлар шаҳардаги уйлардан ҳечам қолишмаётгани кўпчиликка манзур бўлмоқда. Шунингдек, болалар спорт майдончаси, ишдан бўш вақтларда дам олувчилар учун қўйилган скамейкалар ҳам назардан четда қолмаётгани бунёдкорларнинг юксак дид билан иш олиб борганини англатади. Қурилишга 1 миллиард 160 миллион 500 минг сўм миқдорида маблағ ажратилган бўлиб, у «Яккабоғ қўрғони» ихтисослашган қурилиш таъмирлаш корхонасининг 400 нафардан зиёд қурувчилари томонидан амалга оширилди.

Қувонарлиси, мазкур уй-жойлар аҳолига, айниқса, ёш келин-куёвларга имтиёзли кредит асосида берилмоқда. Бундан туман аҳли бениҳоя хурсанд.

Туман ҳокимлиги мутасаддиларининг маълумотларига кўра, жорий йилда ҳам мазкур йўналишда ишлар олиб борилиши режалаштирилган бўлиб, қишлоқ аҳолисининг тинч, осуда ва фаровон ҳаётини таъминлашга ҳисса қўшадиган замонавий уй-жойлар қурилиши ишлари бундан ҳам жадал суръатларда амалга оширилади.

**Ғулом ХИДИРОВ,**
**«Adolat» мухбири.**

# АКАДЕМИК ВОСИЛ ҚОБУЛОВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Кибернетика соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Восил Қобулович Қобулов 89 ёшда вафот этди.

В.Қобулов 1921 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) ҳамда Тошкент темирйўл транспорти муҳандислари институтида олий таълим олди. 1941-1945 йилларда Иккинчи жаҳон урушида иштирок этди. 1950 йили Фанлар академияси Иншоотлар институти (ҳозирги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти) аспирантурасига ўқишга кирди. 1953 йилда номзодлик, 1964 йилда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди. Илм-фан соҳасидаги сермаҳсул фаолияти учун 1962 йилда Фанлар академиясининг мухбир аъзолигига, 1966 йилда ҳақиқий аъзолигига сайланди.

В.Қобулов ўзининг қарийб 60 йиллик илмий фаолияти давомида Математика институти лаборатория мудири, Механика институти директори, Фанлар академиясининг академик-котиби, "Кибернетика" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори каби масъул лавозимларда самарали меҳнат қилди.

Атоқли олим халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланиш учун алгоритмлашнинг назарий асосларини яратиш ва амалиётга татбиқ қилишга катта ҳисса қўшди. Унинг узлуксиз муҳит механикаси масалаларини ечишни алгоритмлаш, иншоотларнинг зилзилага бардошлилиги, ҳисоблаш математикаси муаммоларини ҳал қилиш масалаларига бағишлаб яратилган кўплаб илмий асарлари илмий жамоатчиликка яхши маълум.

Академик В.Қобуловнинг мамлакатимиз фанини ривожлантириш йўлидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвони, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти, "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланган эди.

Йирик олим, истеъдодли илм-фан ташкилотчиси, камтарин инсон Восил Қобуловнинг хотираси қалбларимизда доимо сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Ш.МИРЗИЁЕВ, Э.ЗОҲИДОВ, А.АРИПОВ, Ш.СОЛИҲОВ, М.САЛОҲИДДИНОВ**

▽ Молия муассасаларида

# БАНКЛАР ХИЗМАТИГА МУНОСИБ РАҒБАТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 31 октябрдаги «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги қарорига кўра мазкур танловнинг 2009 йил якунлари юзасидан ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Билласиз, бугун бутун дунё мамлакатлари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози соҳилида турган бир кезда, кўпгина давлатларнинг молия муассасалари жиддий иқтисодий тўсиқларга учраб, улардаги банк хизматлари сифати ва кўлами кескин пасайиб кетди. Ўзбекистонда эса Юртбошимиз олиб бораётган оқилона сиёсат ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурининг ҳаётга изчил тадбиғи бу хатарли муаммонинг салбий таъсирини юмшатишда асосий омил бўлди. Юқорида тилга олинган қарор доирасида ўтказилган танлов ҳам айни шу мақсадларга самарали хизмат қилди. Жумладан, аҳолига банк хизматлари кўрсатиш қамрови кенгайди. Фуқароларнинг бўш пул маблағларини банкларнинг омонатларига жалб қилиш бўйича тижорат банкларида фаол иш олиб борилди. Инвестицон имкониятлар кўлами кенгайтирилди, уларнинг ресурс базалари мустаҳкамланиб, хизмат сифати ортди. Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга кўпроқ жалб этган тижорат банкларини қўшимча рағбатлантириш ва улар фаолиятини кучайтириш тадбирлари изчил амалга оширилди.

■ Кейинги икки йилда банклардаги аҳоли омонатлари ҳажми тўрт баробар ошди.

■ 2009 йилда бу кўрсаткич 1,7 мартага кўпайди.

■ Тижорат банклари ва уларнинг 4700 дан зиёд бўлимлари томонидан миллий ҳамда чет эл валютасида 400 дан зиёд омонат турлари таклиф этилди.

Бундай ютуқлар замини — аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб этишнинг рағбатлантирувчи механизми бўлиб, у давлатимиз раҳбарининг «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2008 йил, 20 февраль) Фармонидан сўнг янада мукаммал шаклланди. Фармонга кўра омонатга қўйилган маблағлар барча турдаги солиқлардан озод этилди. Омонатчилар ўз маблағларини чекловларсиз тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Икки кун муқаддам Ўзбекистон Банклар ассоциациясида якунланган танлов натижаларига мувофиқ, Асака очиқ акциядорлик банки «Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки» деб эълон қилинди.

Банк 2009 йилда аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш йўлида 60 турдаги омонат турларини жорий этди. Уларнинг 35 таси миллий, 25 таси хорижий валютада бўлди. Деярли барча омонатлар муддатли эканлиги алоҳида диққатга сазовор. Фоизлар мижозлар талабидан келиб чиқиб, олдиндан (ойма-ой ва ёки йил охирида) бериб борилаяпти. Сақлаш муддати бир ойдан 5 ойгача белгиланган.

Бу мезонлар, шубҳасиз, омонатчиларда қизиқиш орттириб, уларнинг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлади. 2010 йил 1 январгача жами 157 миллиард сўм (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 146 фоиз кўп) маблағ шаклланирилди.

Танловнинг «Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали» номинациясида «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали, «Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали» номинациясида «Агробанк» ОАТБнинг Сирдарё тумани филиали, «Пластик карточкалар асосида иш ҳақи лойиҳаларини амалиётга жорий этиш бўйича энг яхши банк филиали» номинациясида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Навоий бўлимининг амалиёт бошқармаси ғолиб бўлдилар.

Шунингдек, танловда бошқа ўнлаб номинациялар бўйича ҳам қўли баланд келган энг яхши минибанк, энг яхши жамғарма (махсус ғазна), энг яхши касса соврindорлари аниқланиб, уларга муносиб совғалар топширилди.

**Ботир ҲАМИДОВ,**
**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабаси.**

# ЁШЛАР ПЕШҚАДАМ

**Бухоро вилоятида енгил саноат тармоқлари тез суръатлар билан ривожланмоқда. Яқиндагина Вобкент туманида ташкил этилган «Пахтасаноат тўқимачи» масъулияти чекланган жамиятда қисқа вақт ичида 94 та янги иш ўрни яратилиб, уларда аксар ёшлар меҳнат қилаяпти.**

— Баркамол авлод йили бошланиши билан, — дейди жамиятнинг нотўқима маҳсулотлари цехи бошлиғи Рустам Худойбердиев, — илк бор ўзларининг мустақил меҳнат фаолиятига киришган ёшлар устозларидан қолишмаётир. Улар тайёрлаётган барча тур товарларимиз сифатидан истеъмолчилар мамнун. Кунлик ва ойлик топшириқларни мунтазам ортиғини билан бажараяпмиз.

**Ўз мухбиримиз.**

# ҚУЛАЙ ТЎЛОВ ВОСИТАСИ



Акциядорлик тижорат "Савдогар банк"нинг Келес филиали аҳоли ҳамда корхона ва ташкилотларга қулайлик яратиш мақсадида замонавий банк хизматлари жорий этишга катта эътибор қаратмоқда. Бу кутилганидан ҳам яхши натижа бериб, мижозлар сони ортишига хизмат қилаётир. Айниқса, қулай тўлов воситаси — банк пластик карточкаларининг янада оммалашиб, ундан фойдаланувчи мижозлар сони ортиб бормоқда.

— Ўтган 2009 йилнинг декабрь ойида коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари ва савдо корхоналарига 20 та терминал ўрнатилди, — дейди филиал бошқарувчиси вазифасини бажарувчи Жамшид Саидов. — Бунинг эвазига пластик карточкалар орқали пул тушуми ортмоқда. Жумладан, ўтган ойда аҳоли 43 миллион 400 минг сўмни коммунал хизматга тўлади. Савдо ташкилотларидан 293 миллион сўмлик маҳсулот харид қилди. Айни пайтда яна 30 та корхона ва савдо ташкилотига терминал ўрнатиш устида иш олиб бораяпмиз. Шу ойнинг охиригача бу юмуш бекаму-кўст амалга оширилади.

Дарвоқе, туманда фаолият юритаётган банк мижозлари — "Шер Сардор" МЧЖ, "Давр барака", "Мақсуджон ота", "Хайрулла ёғ", "Мўмин мирзо" хусусий корхоналари аҳолига пластик карточкалар орқали савдо хизматини кўрсатишда кўпчиликка ибрат бўларли ишларни амалга оширмоқда.

**Робия ЭШОВА.**

**Суратда:** *филиал ходими Гулбаҳор Зокирова иш устида.*

**Ғулом ХИДИРОВ олган сурат.**

*Самарқанд туманидаги "Стеклопластик" масъулияти чекланган жамиятида тиббиёт муассасаларининг реанимация бўлимлари учун автомат тарзда ишлайдиган каравотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

# БУЮРТМАЛАР ТУША БОШЛАДИ

Янги каравот бир неча қисмга бўлинган ҳолда ишлаб чиқарилгани, электрон пульт орқали бемор учун қулай ҳолатга келтирилиши билан аввалгиларидан фарқ қилади. Бу ишни беморнинг ўзи ҳам бажариши мумкин. Шунингдек, тўшакда ўтирган ҳолда овқатланиш, муолажа олиш учун ҳам имкониятлар яратилган. Шу пайтгача ушбу турдаги тиббий жиҳозлар асосан хориждан келтирилар эди, эндиликда уни ўзимизда арзон нархда харид қилиш мумкин.

Самарқанддаги тиббиёт муассасаларидан янги каравотларга буюртмалар туша бошлади.

**Ўз мухбиримиз.**




## ЖАҲОННИ ЛАРЗАГА СОЛГАН ЗИЛЗИЛА



**Гаитидаги зилзила оқибатида 75 минг нафар инсон ҳалок бўлиб, яна 250 минг киши турли даражада жароҳатланган. Қолаверса, миллионлаб гаитиликлар бошпанасиз қолган.**

Талафот кўрган ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг ҳаммасига ҳам ичимлик суви, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ва вақтинча яшаш палаткаларини етказиб бўлмаяпти.

Эслатиб ўтамиз, Гаитидаги зилзила 12 январда бўлиб ўтди. Унда асосан мамлакат пойтахти — Порт-о-Пренс шаҳри талофат кўриб, 7 балли ер қимирлаши оқибатида шаҳардаги учдан икки қисм бинолар яксон бўлди.

Гаитига ўнлаб мамлакатлар ёрдам қўлини чўзиб келмоқда. Ҳозирга қадар Россия, АҚШ, Европа иттифоқи, БМТ ва Жаҳон банки йўллаган моддий ёрдамнинг умумий миқдори ярим миллиард АҚШ долларига тенг бўлди. Бундан ташқари, яна бошқа давлатлар, хусусий компаниялар ва ташкилотлар томонидан кўрсатилган беминнат кўмак 268,5 миллион АҚШ долларига етди.

Бироқ Гаитига юборилаётган ижтимоий ёрдам маҳсулотлари аҳолининг барчасига ҳам тўла етиб бормаяпти. Порт-о-Пренс аэропорти жуда катта ҳажмдаги юкларни қабул қилиб олиш имкониятидан маҳрум. Йўлларнинг аҳволи жуда ёмонлашганлиги сабабли ҳам юкларни белгиланган манзилларига етказиб беришда катта қийинчилик туғилаяпти. Порт-о-Пренс ҳудудида ташмачилик ҳодисалари ҳам кузатилмоқда. Ана шундай ҳолатга қарши курашиш мақсадида БМТ икки мингга яқин ҳарбий ва мингдан ортиқ полициячиларни жўнатди.

## МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ИНТЕРНЕТДА



**Хитой марказий телевидениеси (CCTV) миллий интернет телеканал — CNTV.cnни очиш арафасида турибди.**

У маҳаллий онлайн-видео бозорида катта бурилиш ясаши кутилмоқда. Мамлакатда онлайн-видеога қизиқиш кун сайин эмас, балки соат сайин ошиб бораяпти. Youku.com, Tudou.com ва бошқа ресурсларнинг оммавийлиги сабаби ҳам шу. Энди телевидение ҳам бу жараёнга қўшилди.

## ЯРИМ МИЛЛИАРД АБОНЕНТ

**Шу кунларда Ҳиндистон операторлари базаси 17,7 миллион кишига кўпайиб, жами 500 миллиондан ошди.**

Агар мамлакат аҳолисига қиёсланадиган бўлса, ҳозир ҳар 100 ҳиндистонликнинг 43 нафари қўл телефонидан фойдаланмоқда. Мамлакатдаги энг арзон мобил тариф 1 сония учун 0,01 ҳинд рупийини ёки 0,2 центни ташкил этади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

▽ Қарор ва ижро

# МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТИ — МАМЛАКАТ БОЙЛИГИ

Жаҳон ҳамжамиятида «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг чуқур ўйланган дастури ҳамда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши кўрилаётган чора-тадбирлар бу жараённинг барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш имконини бермоқда. Натижада, иқтисодиёт таркибини аниқ мақсад йўлида такомиллаштириш таъминланмоқда. Рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари фаол ташкил қилинмоқда. Экспорт ҳажмлари муттасил ошиб бормоқда ва унинг аввалги бир томонлама хомашёга йўналтирилганлиги бартараф этилмоқда. Асосан ички ресурс манбаларига таянувчи барқарор молия-банк тизими шакллантирилмоқда.

Иқтисодий ўсишнинг макроиқтисодий мутаносиблиги ва барқарор суръатларини таъминлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналари ҳамда кичик бизнесни манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармонига асосан бу борада улкан амалий ишлар бажарилди. Фармонда мамлакатимиз иқтисодиёти реал секторида жаҳон молия кризисининг салбий оқибатлари нималар ҳисобига бартараф этилиши мумкинлиги ва бу борадаги ҳал қилувчи омиллар аниқ белгилаб берилди. Ишлаб чиқаришни изчил барқарор ўстириш ва ҳажмларини кенгайтириш, маҳсулот сотишнинг янги бозорларини ўзлаштириш асослари кўрсатилди.

Юртбошимизнинг «2009 йилда маҳсулот экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2009 йил, 8 апрель) қарори асосида олиб борилаётган ишлар ҳам Инқирозга қарши чоралар дастури ижроси йўлидаги самарали саъй-ҳаракатлардир.

Экспорт қилинадиган товарларга жаҳон нархларининг амалда юзага келган конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда 2009 йилда товарларни таннархига тенг ёки ундан пастроқ нархларда экспорт қилиш учун рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низоми тасдиқланган. Масалан, ўтган йилдан бошлаб, ўзи ишлаб чиқарган товарларни мустақил равишда «Ўзинтеримпекс», «Ўзмарказимпекс», «Марказсаноатэкспорт» ДАТКлари, «Ўзсаноатмашимпекс» ДАК орқали таннархидан пастроқ нархда эркин айирбошланадиган валютага экспорт қиладиган корхоналар учун солиққа тортиш мақсадларида сотишдан олинадиган тушум экспорт қилинадиган товарларни сотишнинг амалдаги нархидан келиб чиққан ҳолда белгиланаяпти. Бу ҳам Юртбошимиз қарори ижроси йўлидаги амалий ишларидан биридир. Зеро, маҳсулот экспорти — мамлакат бойлиги.

**Олимжон ИСАЕВ,**
**Тошкент шаҳар, Бектемир тумани ДСИ шўъба бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди.**

# ЧЕРЕПИЦА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Президентимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури мамлакатимиз саноат корхоналарини модернизациялаш, қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим омил бўлаётир.

Сирдарё вилояти Янгиер туманида черепица ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона очилди.

— Юртимиз шаҳар ва қишлоқларида бунёдкорлик ишлари кўлами йил сайин кенгайиб бораётгани қурилиш материалларига бўлган талабни оширмоқда, — дейди корхона раҳбари Саидвали Бобохонов. — Биз ҳам ана шу эҳтиёжни қондиришга ўз ҳиссамизни қўшиш ниятидамиз. Корхонамиз замонавий технология асосида кунига 800 квадрат метр черепица ишлаб чиқариш қувватига эга.

Янги корхонада 25 нафар ёш доимий иш билан таъминланди.

**Д.ЭСОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Қилмиш-қидирмиш

# ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

### ЛОҚАЙДЛИК ОҚИБАТИ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш, сервис соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор берилаётганлигини тушуниб етган пскентлик М.Юнусов ўзи яшаётган ҳудуддаги шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда хусусий зооветеринария шохобчаси очишни режалаштирди. Бу ҳақда соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашганда, улар: «Жуда тўғри ўйлабсиз, туманимизда чорвачилик ривожланиб бораяпти. Ўйлаган ишингиз амалга ошса чорва моллари орасида ҳар хил касалликлар тарқалишининг олди олинади», деб унга йўл-йўриқ кўрсатишди.

М.Юнусов дарҳол туман ҳокими номига зооветеринария шохобчаси учун 0,19 гектар ер майдони ажратиб беришни сўраб ариза ёзди. Табиийки, туман ҳокими масалани қонуний ҳал этиш учун туман бош меъмори Руслан Ботировга йўналтирди. Орадан анча вақт ўтгандан кейин М.Юнусов берган аризасининг тақдири нима бўлганини билиш учун ҳокимликка борганида у ердагилар: «Сизнинг аризангиз туман бош меъмори Руслан Ботировга йўналтирилган. Жавобни ундан оласиз», дейишди. Бош меъморга учрашганида эса «Ҳозир ишларим кўп, вақти келганида кўриб чиқамиз», деган жавобни олди. Шу тариқа кунлар, ойлар ўтди. М.Юнусов бош меъморнинг қабулига қатнайвериб чарчади. Охири, тегишли идораларга ёрдам сўраб мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Кейинчалик маълум бўлишича, бош меъмор Р.Ботиров туманда яшовчи фуқаролар М.Мўминов, С.Набиева, С.Комиловларнинг ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаларига ҳам лоқайдлик ва эътиборсизлик билан муносабатда бўлиб, уларга ўз вақтида жавоб бермасдан келган экан. Ваҳоланки, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг 18-моддаси 2-бандида ариза ва шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кунидан эътиборан бир ойгача муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ва шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирилмасдан кўриб чиқилиши белгиланган. Қолаверса, мазкур қонуннинг 21-моддаси 1-бандида фуқаронинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органи унга мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилиши шарт, деб қатъий белгилаб қўйилган.

Қонунни билмаслик жазодан озод қилмайди. Р.Ботировга нисбатан Жиноят кодексининг 144-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. Ва унга нисбатан суд ҳукми билан энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баробари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

### СЎНГГИ ПУШАЙМОН...

Оҳангарон туманида яшовчи Отабек Аллақулов ёшлигидан бирон-бир ҳунар ёки касб эгаси бўлишга интилмади. Бунга маҳалла-кўй ҳам, қўни-қўшнилар ҳам бефарқ қарашди. Бекорчидан ҳамма безор, деганларидек ўзига ўхшаган дангаса, ялқов ўртоқларига қўшилиб олди. Улар билан 21 ёшидаёқ ўғирлик жиноятини содир этиб, 2001 йилда ўзи яшайдиган туман суди ҳукмига асосан жиноий жавобгарликка тортилди. Шу орада амнистияга асосан жазодан озод қилинди. Шунда ҳам у бу имкониятдан тегишли хулоса чиқармай, яна 2 марта жиноятга қўл урди.

Буни қарангки, у жиноий жазодан озод этилганига атиги 3 ой бўлгандан кейин Ўрта Чирчиқ тумани Янгиобод маҳалласида яшовчи, муқаддам 2 марта судланган Яхшилик Карабеков билан кафеда мириқиб, спиртли ичимлик истеъмол қилди. Иккаласи келажакдаги режалар хусусида роса маслаҳатлашишди. Олдиндан кўз тагига олиб қўйилган Комил Содиқовнинг дала ҳовлисидаги бир бош от ва бир бош буқани «нишон»га олишди. Бу ишнинг уддасидан чиқиб, Оҳангаронга йўл олишаётганида милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

Тергов, суриштирув жараёнида ҳар иккала жиноятчи қилган жиноий ҳаракатларидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдиришди. Бироқ, кейинги пушаймон — ўзингга душман. Улар Жиноят кодексининг 169-моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортилди.

**Собиржон ХОДЖАЕВ,**
**Пскент тумани прокурори,**
**Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,**
**"Adolat" мухбири.**

ТАЪЛИМ ВА ИСЛОҲОТ

# «Бойсун»ни ЮНЕСКОга танитган мактаб

Мустақиллик шарофати ила ўзбек санъати дунёга довруқ таратмоқда. «Бойсун» фольклор этнографик халқ ансамбли репуртуаридан ўрин олган миллий куй-қўшиқларни нафақат ўз элимиз, балки хорижликлар ҳам севиб тинглашади. Жамоани халқаро ЮНЕСКО халқаро ташкилотигга аъзо қилиб олингани ҳам бежиз эмас.



— Туман маданият уйи қошида «Бойсун» фольклор этнографик, «Шалола» ашула ва рақс, «Қуралай» болалар фольклор этнографик халқ ансамбллари фаолият юритиб келмоқда. Ҳар учала жамоанинг обрў-эътибор қозонишида мусиқа мактабимизнинг ҳам ҳиссаси бор, — дейди Бойсун туманидаги 6-сонли Болалар мусиқа мактаби директори Собир Бахриддинов. — Мактабимиз республикамизда элга танилган санъаткорларни етиштириб чиқарди. Сайёра Қозиева, Сайёра Қосимова, Зиёдулла Бозоров, Ҳабиб Умаров, Наби Қодиров, Ҳаким Каримовлар шулар жумласидандир. Улар илк сабоқларини шу ерда олишган.

Мактабда ҳозирги кунда 79 нафар ўқувчи қашқар, афғон рубоблари, чанг, най, доира, анъанавий ижрочилик, театр санъати, эстрада хонандалиги бўйича таҳсил олмоқда. Қувонарлиси, мактаб ўқувчиларининг турли кўрик-танловлардаги иштироки юксак баҳоланмоқда. Масалан, иқтидорли ўқувчи Феруз Норов пойтахтимизда ташкил қилинган Муҳиддин Қориёқубов кўрик-танловида қатнашиб, «Анъанавий ижрочилик» йўналиши бўйича биринчи ўринни, 18 нафар ёшлардан иборат жамоа эса Қарши шаҳрида бўлиб ўтган «Болалар баҳори» фестивалининг республика босқичида иккинчи ўринни эгаллаб қайтишди.

Маълумки, бир неча йиллардан бери туманда «Бойсун баҳори» фестивали ўтказиб келинади. Фестивалда Корея, Япония, Франция, Англия, Россия, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби қатор мамлакатлардан меҳмонлар келишади. 2008 йилги фестивалда қатнашган франциялик санъатшунос олимлар Жон Бюринг ва Судо Бо чиқишларни юксак баҳоладилар.

Яқинда мактабга болаларнинг чуқурроқ билим олишларига шарт-шароит яратиш мақсадида янги мусиқа асбоблари келтирилди. Муҳтарам Юртбошимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори бажарилишини таъминлаш борасида келгуси йили янги ва замонавий мактаб биноси бунёд этилади. Бу эса мусиқий таълим беришни янада юқори поғонага чиқаришга кенг имконият яратиб беради.

**Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,**
**«Adolat» мухбири.**





Пойтахтимиздаги «TURON PORCELAIN» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган «Пахта», «Атлас», «Ресторан» номли чинни буюмлар тўпламлари харидорларга манзур бўлмоқда.

**Суратларда:** корхона рассомлари Сайёра Абдукаримова ва Дилафрўз Кавилова.

SPORT, СПОРТ, SPORT

## Ғолиблар тақдирланди

**Олимпия шон-шуҳрат музейида Халқаро Кураш ассоциацияси (ХКА) томонидан таъсис этилган совринлар бўйича ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда ХКАнинг раҳбарлари, Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, оммавий ахборот воситалари ходимлари, шунингдек, таниқли спортчилар иштирок этишди.**

Айтиш кераккки, ўзбек халқи маданий ва тарихий меросининг ажралмас қисми бўлган кураш уч ярим минг йиллик тарихга эга. Мустақилликка эришгач, Президентимиз Ислом Каримовнинг бевосита қўллаб-қувватлаши асосида кураш миллий қадрият сифатида юртимизда қайта тикланди. Бундан ўн икки йил муқаддам, яъни, 1998 йилда Тошкентда Европа, Осиё ва Жанубий Американинг 28 та мамлакати вакиллари иштирокида Халқаро Кураш ассоциацияси ташкил этилди.

Бугунга келиб ХКА таркибида дунёнинг 5 та қитъаси 117 та мамлакатида Кураш Федерациялари самарали фаолият юритмоқда. Ўтган давр мобайнида анъанавий тарзда жаҳон миқёсида ХКА конгресслари ўтказилиб, уларда курашни дунё бўйлаб ривожлантириш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинди. Европа, Осиё, Африка мамлакатларида катталар, ёшлар ва фахрийлар ўртасида ўндан зиёд жаҳон чемпионатлари ўтказилди. Шунингдек, сайёрамизнинг барча бурчакларида 250 дан ортиқ халқаро турнирлар, мусобақалар, семинарлар ташкил қилинди.

Кураш Халқаро ассоциацияси фаолиятининг бош мақсади — ўзбек курашининг Ёзги Олимпия ўйинлари дастурига киритишдир. Бу ҳар бир мамлакатга ифтихор ва обрўдир. Шу боис, ўзбек курашининг халқаро миқёсда кенг қулоч ёйишида, унинг тарғиботини янада кучайтириш учун "ХКАнинг энг яхши воқеалари ва инсонлари" номенациялари бўйича танлов эълон қилингани ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Маросимда "Ўзбек спорти — Курашни халқаро майдонда оммалаштиришга қўшган ҳиссаси учун", "Йилнинг энг яхши турнири", "Энг яхши ҳомий", "Йилнинг энг яхши чемпионати", "Йилнинг энг яхши федерацияси", "Ўзбек спорти — Курашнинг энг яхши халқаро тарғиботчиси", "Кураш фидойиси", "Йилнинг энг яхши конфедерацияси", "Йилнинг энг яхши ҳаками", "Йилнинг энг яхши техникаси", "Йилнинг энг яхши аёл курашчиси", "Йилнинг энг яхши эркак курашчиси", "Энг яхши журналист", "Энг яхши ташкилотчи" ва "Йилнинг энг муҳим воқеалари" номинациялари бўйича ғолиблар эълон қилинди ва тақдирланди.

**Муродулла ҒАФУРОВ,**
**«Adolat» мухбири.**

## Ришод шоҳсупага кўтарилди



**Маҳоратли дзюдочиларимиз — Ришод Собиров, Дилшод Чориев ва Шокир Мўминов Жанубий Кореянинг Сувон шаҳрида бўлиб ўтган «World Masters» туркумидаги халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этишди.**

Битта олтин ва иккита бронза медалини қўлга киритган ҳамюртларимиз ўз ҳисобларига 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашиш учун зарур рейтинг очколарини ёзиб қўйдилар.

Пекин Олимпиадаси совриндори Ришод Собиров бу гал ҳам дунёнинг энг кучли дзюдочиларидан бири эканини исботлади. Истеъдодли курашчимиз 60 килограмм вазн тоифасида италиялик Элио Верди, япониялик Масааки Фукуока ва мезбонлар вакили Хван Хён Чойни енгиб, финалга чиқди. Ҳал қилувчи беллашувда унга япониялик жаҳон чемпиони Хираоки Хираока рўбарў келди. Шунга қарамай, Р.Собиров тажрибали рақиби устидан соф ғалабага эришди ва унга мусобақанинг олтин медали топширилди.

81 ва 90 килограмм вазн тоифаларида қатнашган спортчиларимиз Дилшод Чориев ҳамда Шокир Мўминов турнирнинг бронза медаллари билан тақдирланди. Бу эса дзюдочиларимизнинг умумжамоа ҳисобида кучли тўртликдан жой олишига замин яратди. Шунингдек, Ўзбекистон терма жамоаси "World Masters" туркумидаги мусобақада барча аъзолари шоҳсупага кўтарилган ягона терма жамоа бўлди.

## Гроссмейстерларимиз халқаро турнирда



**Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида «Parsvnath International» халқаро шахмат турнири қизғин давом этмоқда.**

Уч юз нафардан зиёд спортчи иштирок этаётган ушбу мусобақада Марат Жумаев, Саидали Йўлдошев ва Нафиса Мўминовалар юртимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда.

Мағлубиятсиз одимини давом эттираётган гроссмейстеримиз Марат Жумаев еттинчи турда навбатдаги ғалабасини нишонлади. Бундан олдин тўртта ғалаба ва иккита дурангга эришган М.Жумаев бу гал ҳиндистонлик халқаро тоифадаги спорт устаси П.Гиринатхга қарши дона сурди. Тажрибали шахматчимиз қора доналарда ўйнашига қарамасдан, рақибини мот қилишга эришди. Ушбу ғалабадан сўнг М.Жумаев олти очко жамғариб, мусобақа жадвалида иккинчи ўринда бораётган шахматчилар қаторига қўшилди.

Яна бир гроссмейстеримиз Саидали Йўлдошев ҳам совринли ўринлар учун курашаётган шахматчилар орасидан жой олган. У еттинчи турда мезбонлар вакили Чоудри Рой билан дуранг ўйнаб, жами беш ярим очко жамғарди.

**Камол АЛЛАЁРОВ тайёрлади.**

# Туманли Альбиондан қуёшли Ўзбекистонга

Британиялик туроператорлар ва журналистлар гуруҳи танишув ташрифи билан мамлакатимизда бўлишди. «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси Ўзбекистон Республикасининг Лондондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этган ушбу сафарда Британиянинг етакчи туристик компаниялари раҳбарлари ва ходимлари, Тошкентдаги Британия кенгаши, «Diplomat» журнали ва Лондоннинг «Russian Media House» нашри вакиллари иштирок этишди.

Британия гуруҳи Тошкентда бўлиб ўтган «Ипак йўли» бўйлаб туризм» XV халқаро сайёҳлик ярмаркасида қатнашиб, ҳамкорлик қилиш имкониятларини муҳокама қилиш мақсадида «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва бир қатор хусусий туристик компаниялар вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Сафар дастурига гуруҳ аъзоларининг Ўзбекистоннинг тарихий-маданий мероси, оламшумул аҳамиятга эга бўлган диққатга сазовор жойлари ва ноёб табиати билан танишиши учун Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига бориш ҳам киритилган эди.

Британиялик туроператорларнинг фикрларига кўра, ушбу сафар уларга Ўзбекистонни янгитдан кашф этиш ва 2010 йилда мамлакатимизга Буюк Британиядан келадиган сайёҳлар миқдорини ошириш мақсадида маҳаллий ҳамкорлар билан алоқаларни кенгайтириш имкониятини берди.

**«Travelsphere» вакили Клэр Слейтер** хоним «дастур жуда моҳирона тайёрланган ва йўналишлар ўта қулай танланган: биз асосий диққатга сазовор жойларга бордик ва Тошкент, Самарқанд ва Бухоронинг гўзаллигини томоша қилдик», дейди. У шунингдек, меҳмонхоналарнинг хизмат кўрсатиши ва ташкилотчилар томонидан намойиш этилган меҳмондўстликнинг юқори эканлигини, яъни, «гуруҳ аъзолари ўзларини азиз ва ардоқли меҳмондек ҳис этишди», дея таъкидлади. Унда, шунингдек, Тошкентдан Самарқандга тезюрар поездда боришгани, «Лондон андеграунди»дан ўз афзаллиги билан ажралиб турадиган пойтахт метросининг чиройли ва озодалиги катта таассурот қолдирди. Унинг сўзларига кўра, ушбу гуруҳнинг Тошкент халқаро туристик ярмаркасига келиши жуда самарали бўлди, яъни, фойдали муносабатларни ўрнатиш ҳамда янги сайёҳлик йўналишлари ва хизматлари бўйича фикр алмашиш имкониятини берди.

— Ушбу сафарга қадар мен Ўзбекистон ҳақида жуда кам билардим, энди эса ўз мижозларимга таътилларини сизнинг маданий-тарихий қадамжоларга бой бўлган гўзал мамлакатингизда ўтказишларини ишонч билан тавсия эта оламан. Биз Ўзбекистонга жўнатган сайёҳлар жуда яхши таассуротлар билан қайтишди. Шунинг учун ҳам, янги



сайёҳлик мавсумида компаниямиз Ўзбекистонга саёҳат миқдорини оширишни мўлжалламоқда, — дейди К.Слейтер.

**«Diplomat» журнали ноширі Хьюго Ван Куффелер** ушбу сафарни «мафтункор, маълумотларга бой ва фавқулодда фойдали» дея таърифлади. Унинг фикрича, қисқа вақт бўлганига қарамай, у кўплаб диққатга сазовор жойларни кўриш ва Ўзбекистон билан танишганидан қониқиш ҳосил қилишга улгурди. У ранг-баранглikka бой маданиятдан, Самарқанднинг гўзал масжидлари ва бошқа тарихий обидалари унда катта таассурот қолдирганини айтди.

**«Russian Media House» нашри мухбири Надежда Рагожина** хусусан қуйидаги дил изҳорлари билан ўртоқлашди: «Ўзбекистонга қилинган сафардан ҳақиқий завқ олдим. Сафар жуда яхши ташкил этилган ва юқори даражада ўтказилди. Мен Самарқанд ва Бухорога борганимизда ушбу жойларнинг гўзаллигидан, одамларнинг самимийлиги, ўзбек таомларининг мазалилиги ҳамда Осиёнинг ўзига хос хусусиятлари ва Европанинг замонавий ранг-баранг ҳаётининг уйғунлигидан лол қолдим». У ўзбекистонлик туроператорларни «самарали ва маълумотларга бой» дея баҳолаб, Британия гуруҳи уларнинг туризм саноатидаги истиқболларини катта ҳавас билан эътироф этишини таъкидлади.

**«Жаҳон» АА,**
*Лондон*

*Жаҳон жавоҳирлари жавонидан*

Кимгаки иш бўлди қаноат фани,
Билки, ани қилди қаноат ғаний.

АЛИШЕР НАВОИЙ.

Есам арпа нонини меҳнат билан,
Шириндир бировларнинг оқ нонидан.

САЪДИЙ.

Одамлар учун ҳақиқий хазина – меҳнат қила билишдир.

ЭЗОП.

Меҳнат кишини ерга урмайди. Афсуски, баъзан меҳнатни ерга урадиган одамлар учраб туради.

УЛЛИС ГРАНТ.

Иш бизни уч хил иллатдан: зерикишдан, қусур, муҳтожликдан халос этади.

ФРАНСУА ВОЛЬТЕР.

Улуғ кишиларни меҳнат етилтиради.

ЛУЦИЙ СЕНЕКО.

Шон-шараф меҳнатнинг қўлида.

ЛЕОНАРДО ДА ВИНЧИ.

ЛАТИФАЛАР

Китоб дўконига кирган киши сотувчи аёлдан сўради:

— "Эркаклар аёлларни эъзозлаши керак" деган асар борми?

— Фантастика бўлими қўшни хонада, — жавоб қилди сотувчи.

* * *

Симёғочга зўрға суяниб турган ширакайф кишидан бошқа маст киши сўради:

— Бирoдар, бу ерда нима қилаяпсан?

— Автобус кутаяпман.

— Нима бало, жиннимисан, бундай узун ёғоч билан ким сени автобусга чиқаради?!

* * *

Маърузачи узоқ нутқдан сўнг тингловчилардан сўради:

— Саволлар борми?

— Бор.

— Марҳамат.

— Соат неччи бўлди?

* * *

— Ҳой нотиқ, инсон маймундан пайдо бўлган, дейишади — шу ростми?

— Унда олма помидордан бўлган экан-да?!

* * *

Арслон билан қуёнча қаҳвахонага киришди.

— Мен жуда очман. Салат тайёрлаб беринг, — деди қуён.

— Арслон ҳам очми?

— Эсинг жойидами, арслон оч бўлса, у билан бирга келармидим? — жавоб қилди қуён.

* * *

Икки дугона бир-бирига хат ёзаяпти.

— Мен Африкада яшайман. Бу ер жуда ҳам иссиқ. Одамлар деярли кийимсиз юришади. Истеъмол қиладиган нарсамиз — банан, — деб фахрланар эмиш биринчиси.

— Мен Москвада яшаяпман, — дермиш иккинчиси, нолигандай бўлиб. — Бу ер жуда совуқ. Агар биз ҳар куни банан ейдиган бўлсак, кийимсиз қолишимиз аниқ.

* * *

Ярим кечада уч нафар маст темир йўлдан кетаётган экан.

— Бу зинапоя жуда баланд эканми? — дебди бири.

— Ушлаб чиқишга тутқичлари ҳам паст экан, — дебди иккинчиси.

Учинчиси енгил тин олиб қўшиб қўйибди.

— Ҳечқиси йўқ, ана "лифт" келаяпти.

* * *

— Бугун шифокорга учрашиб, хотирам ёмонлигини айтдим.

— Хўш, у нима деди?

— Олдиндан пулини тўлаб қўйинг, деди.

ЭЪЛОН

Ташкилот замонавий, сўнгги русумдаги PENTIUM-4 компьютерларини сотиб олишга тендер эълон қилади.

MB P45 ELITGROUP
CPU CORE2
DUO 2.8GHZ
DDR2 2GB
HDD 250GB
GF9800GT 512/256 DDR3
DVD-RW SONY NEC
CASE AV-TECH
MONITOR 19W LCD

Мурожаат учун телефонлар:
233-41-89,
233-40-86

ADOLAT
Inson manfaatlari — oliy qadriyat
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
adolat_sdp@doda.uz

Бош муҳаррир
Худоёр МАМАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона – 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият – 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими – 236-57-14

ISSN 2091-5217

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир ҳайъати

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Алишер МЎМИНОВ, Жовдатхон ИНОҒОМОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Иқбол МИРЗО, Муҳаммад АЛИ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Светлана ОРТИҚОВА, Талъат МУРОДОВ, Қодир ЖЎРАЕВ

Нашр учун масъул
Рустам АҲМАДАЛИЕВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t – Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси 100

Навбатчи муҳаррир — Камол АЛЛАЁРОВ
Навбатчи — Муродулла ҒАФУРОВ

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г – 01. Ҳажми – 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади – 3758. Босишга топшириш вақти – 01.15. Босишга топширилди – 01.30 1 2 3 4 5 6 7 8